

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

“КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ” КАФЕДРАСИ

КУРС ИШИ

**МАВЗУ: *Хорижий мамлакатларда
Конституциявий назорат***

БАЖАРДИ: З.Матусмонов

ТЕКШИРДИ: Ш.Зулфиқоров

РЕЖА:

I Кириш

II Асосий қисм

1. Конституциявий назорат институти тушунчаси
2. Хорижий мамлакатларда конституциявий назоратнинг классификацияси
3. Хорижий мамлакатларда конституциявий назоратни амалга оширувчи органлар

III Хулоса

IV Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

КИРИШ

«Хукукий давлатнинг асосий белгиси — Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир. Конституция ва қонунларнинг устунлиги принципи шуни англатадики, барча жорий қонунлар ва меъёрий-ҳукукий ҳужжатлар конституция асосида ва унга мувофиқ бўлиши талаб этилади¹».

И.А.Каримов

Конституция - бу давлатнинг олий қонуни бўлиб, унда давлат тузилиши, мақсадлари, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгилаб қўйилади. Унинг олий қонун сифатидаги энг муҳим жиҳати чиқариладиган ҳар қандай ҳуқуқ нормалари унинг мазмунига мувофиқ бўлиши лозим. Бу соҳадаги биринчи босқич бўлган Конституцияни ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш механизмини яратиш лозим. Ҳар бир демократик давлат ўзининг қонунчилик тизимини шакллантирар экан, ҳалқнинг эрки ва иродасини ифодалашга қаратилган норматив-ҳукукий ҳужжатлар қабул қилиши керак.

Мамлакатнинг олий қонуни бўлган Конституциясида ҳалқнинг эрки ва иродаси ўз аксини топган бўлади. Шундай экан, давлат функцияларини

амалга оширувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қабул қилаётган актлари бевосита халқнинг Олий қонунида ўз аксини топган меъёр ва қоидаларига мувофиқ бўлиб, унга зид келмаслиги керак. Шундай экан маъсул шахслар ўз фаолиятлари давомида қабул қилган меъёрий ҳужжатлар бошқа шахсларнинг қонуний манфаатларини бўзиши ва эркини чеклаши мумкин эмас.

Мансабдор шахслар ва давлат органларининг бу фаолиятини назорат қилиб турувчи институт эса - конституциявий назорат институтидир. Конституциявий назорат институти - давлатда амалда мавжуд ҳуқуқ нормаларини давлатнинг олий қонуни бўлмиш Конституцияга мувофиқлиги юзасидан назоратни амалга оширувчи олий орган ҳисобланади.

Ҳар бир давлат ўз халқининг иродасини ифодаловчи Конституциясига риоя этилишини таъминлаши учун конституциявий назорат институтини ташқил этади. Конституциявий назорат институти бу - жамиятда демократиянинг барқарорлигини таъминловчи институт бўлиб, унинг энг асосий вазифаси давлат ва жамиятнинг ҳар қандай соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни Конституция нормаларига мувофиқлигини назорат қилишдан иборатдир.

1. Конституциявий назорат институтининг тушунчаси.

Конституциянинг жамиятда мавжуд бўлган муносабатларни тартибга солишдаги аҳамиятидан унинг ҳуқуқий актлар тизимидаги олийлигини таъминлаш заруриятини келтириб чиқаради. Конституциянинг ҳуқуқий ҳимояси деганда, шундай восита ва йўлларни тушуниш керакки, уларнинг ёрдамида конституциянинг қонунийлигига қаттиқ риоя этиш режимига эришиш керак, бошқа барча давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳуқуқий актлар унга мос бўлиши керак, конституцияга мос бўлмаган ҳуқуқий актларни, шунингдек, алоҳида нормаларини конституцияга мос эмаслиги туфайли бекор бўлиш принципи тушунилади.²

Ҳуқуқий адабиётларда конституциявий назоратга қуйидагича таъриф берилган:

Конституциявий назорат - давлатда ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг алоҳида тури бўлиб, мазкур давлат қонунлари ва бошқа норматив ҳужжатларининг конституцияга мувофиқлигини текширишида ўз ифодасини топади.³

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, бу мавзуни ёритишда биз конституциявий назорат ва конституциявий контрол тушунчаларига дуч келамиз. Гарчи рус ёки бошқа тилдаги манбаларда бу тушунчалар

² Конституционное право зарубежных стран, Учебник для Вузов, «Норма-ИНФРА», Москва, 1999 год, стр-73.

бир маънода қўлланилса-да аслида улар бир биридан фарқ қилувчи тушунчалардир.

Конституциявий контрол давлат органлари чиқарган актларни текшириш процесси бўлиб, бу жараёнда контролни амалга оширган орган контрол қилинаётган орган актини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Конституциявий назорат институти - муҳим демократик институт. Унинг тўғри қўлланиши асосий қонунга риоя этилишини таъминлайди, зарур мувозанатни сақлайди.⁴

Суд ва ҳаттоки квазисуд ҳам конституциявий назоратнинг аср бошида Европада бўлмаган, аммо эндиликда жаҳоннинг деярли барча конституциялари томонидан эътироф этилган институтнинг кенг тарқалганлигига ҳам сабаб шу. Бу ўринда Америка тажрибаси ҳам инобатга олинган.

Бу мамлакатда конституциянинг устунлиги нафақат унинг 6-моддасида конституциянинг устунлиги эълон этилганлиги билан, балки конституциявий суд назорати билан ҳам таъминланганидир.

Ўрта аср файласуфларидан бири Макиавеллининг фикрича подшоҳ қонунларни яратиш ва уларни куч воситасида ижро этиш билан сиёсий тартиб ўрнатади. У қонунларнинг ижросини назорат қилади. У миллий

³ Юридик энциклопедия, Т., «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2001 йил, 244-бет ⁴ В.Е.Чиркин: Конституционное право зарубежных стран, Москва, «Юрист», 2001 год, стр-50.

давлат барпо этадиган суверен давлат назарисида шу ҳақда ёзган⁵.

Италия, ГФР, Австрия, Испания ва ҳоказо мамлакатларда мазкур судларнинг вазифасига конституциявий назоратни амалга оширишдан ташқари, давлат органлари ўртасидаги ваколатлар тўғрисидаги низоларни, федератив давлат тўзилмаси билан боғлиқ низоларни, сайлов ўтказишнинг қонунийлиги ҳақидаги ва шу каби низоларни ҳал қилиш ҳам киради.

ГФРда федерал конституциявий суд сиёсий партияларнинг ғайриконституциявийлиги тўғрисида қарор чиқаришга ваколатлидир. Конституциявий адлиянинг ташқил этилиши фақат суд ҳокимияти ҳуқуқини бир қадар кучайтиради, у шак-шубҳасиз, қонун чиқарувчи ҳокимият ҳуқуқини чеклайди.

Бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Узбекистон Республикаси конституцияси ҳам жаҳон судлари тажрибасини ҳисобга олган ҳолда конституциявий назорат соҳасида катта ваколатларга эга бўлган Конституциявий судни назарда тўтади.

ГФРнинг Асосий қонунида суд ҳокимиятининг ўзбошимчалигининг олдини олиш мақсадида Конституциявий суд аъзоларини сайловчи парламент тадбири назарда тўтилади.

Франциянинг 1958 йилги конституцияси ҳам конституциявий назорат тизимини назарда тўтади. Бу назорат конституциявий кенгаш фаолиятида ўз

⁵ Гуннар Скирбекк, Нилс Гилье :-«Фалсафа тарихи», Тошкент, «Шарк», 2002йил, 271-бет.

ифодасини топган. Бу орган гарчи Франция сиёсий тизимида анча муҳим роль ўйнаса ҳам, лекин бошқа Европа мамлакатларидаги конституциявий суд назорати органларига нисбатан ўз имкониятларида анча чекланган.

Францияда Конституциявий кенгашнинг ташқил этилиши суд назорати тарафдорлари билан парламентнинг устунлиги тамойили химоячилари ўртасидаги муайян муроСага келиш деб ҳисоблаш мумкин.

Қонунларни шундан кейинги конституциявий назорат қилишни кенг тадбиқ этадиган ва бу қонунларни бекор қилишга ваколатли бўлган конституциявий

судлардан фарқли равишда Франция конституциявий кенгаши фақат парламент қабул қилган, лекин ҳали Президент тасдиқламаган (имзоламаган) қонунларни дастлабки тарзда назорат қилишни амалга оширади.

Бирок, кучга кирган қонунни ғайриконституциявий деб эътироф қилиш билан парламент томонидан қабул қилинган, лекин Президент томонидан имзоланмаган қонунни таъқиқлаш ўртасидаги амалий тафовўт унчалик муҳим аҳамият касб этмайди, лекин бу Президентнинг хатога йўл қўйиши мумкинлиги «имконияти»ни камайтиради.⁶

Бирок, конституцион тузумнинг руҳонийлар томонидан юқори даражада назорат қилиниши ғоясига

⁶ Жахон конституциялари, I жилд, Т., 2001 йил, «Адолат», 13-бет

(Эрон Ислом Республикаси Конституциясида ана шу ҳолат белгилаб қўйилган) асло қўшилиб бўлмайди.

Қонунларнинг конституциявий назорати устидан суд назорати мавжуд бўлган конституциянинг устунлиги анчайин тўлиқ амал қилади.

Кўпгина мусулмон давлатларида диндорлар жамоаси ҳукмдорларининг фаолияти диндорлар томонидан Худо иродаси ваҳийсининг аниқ адо этилиши тўғрисида ғамхўрлик қилишдан, унинг дахлсизлиги ва илоҳий ваҳий ман этган нарсага йўл қўймаслик ва Худо йўл-йўриғини жорий этиш тўғрисида фармойиш беришдан иборат эди.

Бундан шуни англаш мумкинки, мусулмон давлатларида амир, ҳалифа, лавозимидаги шахслар бевосита ўз мамлакатлари худудида Қуръон ва бошқа қонунларга риоя этилиши устидан назоратни ҳам амалга оширадilar.

АҚШ Конституциясининг «оталаридан», асосий ижодкорларидан бири Джеймс Медисон шундай деган эди: «Давлат ҳокимияти идоралари бир-бири устидан конституциявий назорат қилиш даражасигача боғланмаса ва уйғунлашмаса, эркин ҳукуматнинг моҳияти бўлган, энг кўп талаб қилинадиган бўлинишнинг даражаси амалда ҳеч қачон ташкил этилмайди».⁷ Бундан бизга конституциявий назорат институтининг нақадар муҳимлиги ва аҳамияти намоён бўлади.

⁷ А.Саидов, У.Тожихонов: Давлат ва ҳуқуқ назарияси, I жилд, Тошкент, «Адолат», 210-бет.

2. Хорижий мамлакатларда конституциявий назорат институтининг классификацияси.

Хорижий мамлакатларда конституциявий назорат институти шу қадар ривожланиб кетганки, бу институтни бир қатор асосларга кўра классификация қилишнинг имконияти мавжуд.

• Қайси *орган* томонидан олиб борилишига қараб:

1. Барча умумий юрисдикцияга ва мақомга эга бўлган судлар томонидан олиб бориладиган конституциявий назорат. Бундай мамлакатлар жумласига АҚШ, Аргентина, Мексика, Япония, Норвегия ва бошқалар кирази.
2. Юқори суд инстанцияси ҳисобланган Олий суд томонидан олиб бориладиган конституциявий назорат. Конституциявий назоратнинг бундай орган томонидан олиб борилишини Канада, Ирландия, Австралия ва бир қатор бошқа хорижий мамлакатларда кузатишимиз мумкин.
3. Асосий функцияси конституциявий назоратни амалга ошириш бўлган Конституциявий суд томонидан олиб бориладиган конституциявий назоратга Австралия, Италия, ГФР, Туркия ва Ўзбекистон Республикасида гувоҳ бўлишимиз мумкин.
4. Суд хусусиятига эга бўлган алоҳида орган томонидан амалга ошириладиган конституциявий назорат. Бундай конституциявий назорат органи бўлиб юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Франция

Республикасидаги Конституциявий Кенгаш ҳисобланади.

- Амалга ошириладиган конституциявий назоратнинг *мазмунига* кўра конституциявий назорат классификацияси:

1. *Формал конституциявий назорат* - қонунларни ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш учун ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя қилинганлигини текшириш учун амалга ошириладиган конституциявий назорат.
2. *Моддий конституциявий назорат* — давлат қонунларининг ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларининг конституция мазмунига мувофиқлигини ўрганиш учун ўтказиладиган конституциявий назорат.
3. *Мавҳум конституциявий назорат* — маълум бир ваколатга эга бўлган субъектларнинг ташаббуси билан аниқ бир сабабларга эга бўлмай туриб ўтказиладиган конституциявий назорат.
4. *Аниқ конституциявий назорат* — фақатгина аниқ қандайдир бир суд иши билан боғлиқ равишда амалга ошириладиган конституциявий назорат.

Келтириб чиқарган *ҳуқуқий оқибатларига* қараб конституциявий назоратнинг қўйидаги 2 тури мавжуд:

- 1) *Назорат қилувчи* - ҳуқуқий ҳужжат ўз кучини йўқотади.
- 2) *Тавсия қилувчи* - ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилган органга уни бекор қилиш тавсия қилинади.

Конституцион назоратнинг яна 2 тури бор:

1) *Ҳал қилувчи* - конституцион назорат қўлланган қонун (қонун лойихаси) бекор қилинади.

2) *Маслаҳат берувчи* - тавсия характерига эга.⁸

• *Мажбурийлик* даражасига қараб конституциявий назоратнинг қуйидаги 2 тури мавжуд:

1) *Мажбурий* - қонун талабларига мувофиқ ўтказилади.

2) *Факультатив* - субъектларнинг ташаббусига кўра ўтказилади.

Конституцион назорат органининг қабул қилган *қарори* ҳам фарқланади:

• Орқага қайтиш кучига эга (бундай қарорлар *ex-luns* қарорлар деб номланади) бўлган қарорлар

• Фақат қабул қилинганидан сўнг кучга кирувчи қарорлар (бундай қарорлар *ex-nunc* деб номланади).

Биринчи вариант кўп ноқулайликлар туғдирганлиги сабабли одатда кўпчилик мамлакатларда фақат иккинчи шакли қўлланади.⁹

Конституцион назорат амалга оширилиш *жойига* кўра 2 турга бўлинади:

1) *Ички* конституцион назорат - акт чиқарган органнинг ўзи томонидан амалга оширилади.

2) *Ташқи* конституцион назорат - бошқа органлар томонидан амалга оширилади.

8 В.Ё.Чиркин: Конституционное право зарубежных стран.Москва, «Юрист», 2001, стр-54.

9 В.Е.Чиркин: Конституционное право зарубежных стран.Москва, «Юрист», 2001, стр-54.

Конституцион назорат амалга оширилиш *хажмига* кўра 2 турга бўлинади:

- 1) Тўлиқ - жамият муносабатларини барча тизимини қамраб олади;
- 2) Қисман - белгиланган доирадаги муносабатларни қамраб олади (инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларига оид муносабатлар, федератив муносабатлар).¹⁰

¹⁰ Б.А.Страшун: Конституционное право зарубежных стран, Том 1-2, Общая часть, «Бек», Москва, 1996 год, стр-78-79.

3. Конституциявий назоратни амалга оширувчи органлар.

Конституциявий назоратни амалга оширувчи органлар 2 хил бўлиши мумкин:

1. Ихтисослашмаган органлар;
2. Махсус органяар.

Ихтисослашмаган конституциявий назоратни амалга оширувчи органлар. Социалистик давлатларда конституциявий назорат функциясини, айниқса, қабул қилинаётган қонунларнинг конституциявийлигини назорат қилиш парламентга, шунингдек, унинг доимий фаолият кўрсатувчи органи(олий вакиллик органи президиуми, давлат кенгаши, доимий комитет)га топширилган. Баъзида шу мақсадда парламентда махсус органлар (доимий конституцион комиссия) тузилиши мумкин. Унинг таркибига конституциявий ҳуқуқ буйича мутахассис бўлган депутатлардан бир гуруҳи киритилади. Бундай тартиб олдин Руминияда бўлган. Аммо бу орган қарори тавсиявий х'арактерга эга. Айни замонда социалистик давлатларда махсус конституциявий назорат органлари мавжуд эмас. Улар бундай орган бўлиши керак эмас деб ҳисоблайдилар, сабаби: бундай органлар парламентнинг олийлигини бузади. Махсус конституциявий назорат органлари биринчи марта парламентнинг олийлиги концепциясини ишлаб чиққан давлат - Буюк Британияда ҳам йўқ. Яна конституциявий назорат органлари Нидерландияда ҳам йўқ.

Бир қатор мамлакатларда конституциявий назорат функциясини *президент* амалга оширади. Президент асосий қонунга кўра (масалан, Руминия, Украина, Франция мамлакатлари конституциясида) конституция қафолати ҳисобланади. Бу, асосан қуйидагиларда намоён бўлади, Президент парламент томонидан қонун қабул қилинганидан кейин ва унинг промулгация (Президент томонидан қонуннинг имзоланиши ва унинг эълон қилиниши) сидан олдин вето(қонунни имзоламайди натижасида қонун кучга кирмайди) ҳуқуқини қўллаш ҳуқуқига эга, ёки бўлмаса президент шу қонуннинг конституциявийлиги юзасидан махсус конституциявий назорат органига мурожаат қилиши мумкин.

Тоталитар социализми давлатларида конституцияга риоя этилиши устидан назоратни прокуратура, алоҳида саволлар (инсон ҳуқуқлари, атроф табиий муҳит ҳимояси, тиллар тенглиги) юзасидан эса парламент ваколат берган орган (омбудсман) амалга оширади. Жамоат бирлашмаларининг уставларини руйхатга олишда уларнинг конституцияга мослигини руйхатдан ўтказувчи орган (одатда, Адлия Вазирлиги) текширади.¹¹ *Конституциявий назоратни амалга оширувчи махсус органлар.* Кўпинча ихтисослашмаган органлар ўз ваколат доираларида конституциявий назоратни амалга оширадилар, конституциявий контрол эса айнан шу мақсадда ташкил этилган махсус органлар томонидан амалга оширилади. Суд ва квазисудлар конституциявий

¹¹ В.Е.Чиркин: Конституционное право зарубежных стран. Москва, «Юрист», 2001год, стр-51.

контролни амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги кўпчилик давлатларда (Австрия, Ҳиндистон, Канада, АҚШ ва х.к.) бу органларнинг асосий функцияси жиноий ва фуқаролик ишларини кўриш бўлган *умумий юрисдикцияли судлари* (умумий судлар) амалга оширилади. Баъзи мамлакатларда бу барча умумий судлар томонидан амалга оширилиши мумкин, аммо асосий ҳал қилув қарорни Олий суд инстанцияси кўриб чиқади (Скандинавия давлати, АҚШ, Филиппин, Япония), бошқа мамлакатларда эса конституциявий контрол фақат Олий суд томонидан амалга оширилиши мумкин (Гана, Шри-Ланка, Эстония), федерацияларда эса, федерация субъектлари (штат ва х.к) олий судлари томонидан (Канада, Малайзия) амалга оширилади, аммо ҳал қилув қарорини давлатнинг олий суди амалга оширади.

Баъзи мамлакатларда конституциявий контрол (назорат)ни амалга ошириш махсус органган - Конституциявий судга юклатилган, масалан, Германия, Италия давлатларида. Одатда у барча ҳокимият тармоқларидан иборат таркибда шакллантирилади: қонунчилик - парламент, ижро ҳокимиятидан президент, суд ҳолқимиятидан иборат бўлади, баъзан эса фақат парламантдан иборат бўлади, масалан, Югословия, Германия давалатларида. Унинг таркибига нафақат юқори суд стажига ёки адвокатлик амалиётига эга профессионаллар, балки ҳуқуқ ва сиёсат соҳасидаги профессорлар, собиқ давлат хизматчилари ҳам кириши

мумкин. Улар одатда, умрбодга тайинланмайдилар, аммо анча узоқ муддатга тайинланадилар (аммо 12 йилдан кўпга эмас).¹²

Кўпчилик қонун ҳужжатларида конституциявий суднинг биринчи ваколати сифатида конституцион контролни амалга ошириш; давлат органлари ва мансабдор шахсларни Конституция ва қонунларга риоя этишларини текшириш киритилган.¹³

Баъзан конституциявий суд тенг ваколатларга эга иалаталарга (одатда иккига) бўлиниши ҳам мумкин (масалан, Германияда), бошқа мамлакатларда эса ягона коллегия сифатида иш олиб бориши мумкин (масалан, Испанияда).

Украина «Конституциявий суд тўғрисида»ги конституциявий қонуннинг 3-моддасида ёзилишича, Украина Конституциявий суди Конституциянинг бутун мамлакат ҳудудида олийлигининг таъминловчи қафолати эканлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Баъзи бир мамлакатларда конституциявий назорат функциясини алоҳида ёки Олий суд таркибида бўлиши мумкин бўлган махсус конституциявий қафолат палатаси ёки конституциявий назорат палатаси ҳам амалга ошириши мумкин. Колумбия, Перу, Эстония давлатларида юқорида қайд этилган конституциявий назорат функциясини амалга оширувчи махсус палаталар Олий суд таркибига киради. Баъзи федерация (Германия)

¹² В.Е.Чиркин: Конституционное право зарубежных стран, Москва, «Юрист», 2001год, стр-52. ¹³ Internet сайти- "referat.kulichki.net/referat" , Судебная система.

субъектларининг ўз конституциявий судлари мавжуд бўлиб, улар доимий, баъзан эса вақтинча фаолият юритади.

Қозоғистон, Марокко, Сенегал, Тунис, Францияда конституциявий кенгашлар тузилади; баъзан улар конституцион суд ёки олий конституцион суд деб ҳам номланади. Аммо унинг таркибига одатда, судьялар эмас балки, маслахатчилар бўлиб, ишини куриб чиқиш жараёнида суд процедураси жуда кам ишлатилади.

Конституцион кенгашлар одатда суд корпуси иштирокисиз шакллантирилади. Баъзи мамалкатларда улар президент томонидан тайинланади (масалан, Францияда). Эфиопияда Конституцион изланишлар Кенгаши деган анологик орган фаолият юритади.^к

Баъзи мусулмон давлатларида конституцион-диний кенгашлар тўзилади. Эронда конституцион контрол ўзига хос орган- назорат кенгаши(Курикчилар кенгаши) томонидан амалга оширилади. Кенгаш 12 шахсдан иборат бўлиб, улардан олтитаси рухоний бўлиб, давлат бошлиғи томонидан тайинланади, қолган олтитаси эса юрист бўлиб, парламент томонидан тайинланади. Кенгаш қонунларнинг нафақат Конституцияга балки, Куръонга мослигини ҳам текширади. 1982 йил «Аграр реформа ва ички савдо монополияси» тўғрисидаги қонунни, 1987йил эса «Меҳнат тўғрисидаги қонун»ни бекор қилган. Аммо шундай бўлса ҳам охириги сўз парламентга тегишли ҳисобланади. Назорат қилувчи кенгаш ва парламент

¹⁴ В.Е.Чиркин: Конституционное право зарубежных стран, Москва, «Юрист», 2001, стр-52.

ўртасида келишмовчиликлар келиб чиқса уларни бартараф этиш учун махсу келиштирувчи орган мавжуд.

Покистонда конституцион контролни амалга оширувчи Олий суддан ташқари яна икки орган мавжуд: Ислом кенгаши(қонунларнинг Куръонга ва суннага мослигини текширувчи парламент учун маслахатчи орган) ва федерал Шариат суди(у баъзи давлат органлари ва фуқароларнинг шикоятларини кўриб чиқади шу жумладан, фуқароларга таалуқли бўлган, шариатга мос келмайдиган актларни ҳам бекор қилиш ҳуқуқига эга).¹⁵

Кўпгина давлатларда энди контролнинг иккала модели, яъни махсус органлар ва ихтисослашмаган органлар қўшилган(Греция, Испания, Италия). Баъзан махсус конституцион назорат органларига бошқа вазифалар ҳам юкланиши мумкин: референдумнинг тўғри ўтказилишини назорат қилиш, натижаларини эълон қилиш(Францияда), марказий ва маҳаллий органлар ўртасидаги ваколатлар тўғрисидаги музокаралар масалаларни куриб чиқиш(Испания), республика президентига парламент томонидан қўйилган айбни текшириш(Италия), конституцияга зид сиёсий партиялар тўзилмаслигини(ГФР), депутатларни мандатидан махрум қилиш тўғрисидаги парламент қарорини тасдиқлаш(Словакия).

Конституцион контрол судига давлат олий органлари ва мансабдорлари, федерация субъектлари,

¹⁵ В.Е.Чиркин: Конституционное право зарубежных стран, Москва, «Юрист», 2001год, стр-53.

автаном ҳудудлар, депутат ва сенатор гуруҳлари, омбудсман, фуқаролар-агар уларнинг конституцион ҳуқуқлари бузилса (одатда ўз ишларини умумий судлар томонидан кўрилганидан кейин) муроҷжат қилишлари мумкин. Ниҳоят, агар фуқаронинг ҳуқуқлари ўз мамлакатада барча тоифадаги судлар томонидан топталса, у *ҳалқаро судга* ва *ҳалқаро органларга* мурожаат этиш ҳуқуқига эга.¹⁶

Агар конституцион орган коллектив орган томонидан амалга оширилса, қарор кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Қарор резолютив ва мотивиров қисмлардан иборат бўлади.

Биринчи қисми (резолютив) қабул қилинганидан сўнг дарҳол кучга кирса, иккинчи қисми кейинроқ эълон қилиниши ҳам мумкин. Конституцион назоратни амалга оширувчи махсус органлар камдан кам ҳолларда қонунни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қиладилар. Қоидага кўра бу органлар фақат, қонунинг конституцияга мос эмаслиги тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Бу қонунни расман бекор қилиш учун асос бўлади. Унинг қарори устидан одатда шикоят қилиб бўлмайди.

Аммо баъзи давлатларда шикоят қилиш мумкин.

Масалан, Эфиопияда конституцион изланишлар суди қарори устидан Парламентнинг юқори палатасига шикоят қилиш мумкин¹⁷.

16 В.Е.Чиркин: Конституционное право зарубежных стран, Москва, «Юрист», 2001год, стр-53.

17 В.Е.Чиркин: Конституционное право зарубежных стран, Москва, «Юрист», 2001год, стр-56.

Баъзи мамлакатларда суд бўлмаган органлар тузилиши мумкин. Масалан, Францияда конституцион назоратни амалга оширувчи Кенгаш бўлиб, унинг таркибида 9 та маслахатчи бўлади. Улар Президент ва парламентнинг ҳар икки палатаси томонидан тайинланади. Шунингдек, унинг таркибига собиқ президент ҳам киради.

Қайси орган конституцион назоратни амалга оширишга қараб, уларни иккига бўлишимиз мумкин:

- 1) Номарказлаштирилган ёки америка стилидаги органлар-бунда конституцион назорат умумий юрисдикцияли судлар томонидан амалга оширилади;
- 2) Марказлашган ёки Европа стилидаги органлар-конституцион назоратни амалга ошириш фақат Олий суднинг ёки махсус органларнинг ваколатига киритилган бўлади.¹⁸

¹⁸ Конституционное право зарубежных стран, Учебник для Вузов, «Норма-ИНФРА», Москва, 1999год, стр-73.

ХУЛОСА

Юқорида фикрларга яқун ясаб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, конституциявий назорат институти мавжуд бўлган мамлакатларда конституциянинг устунлиги таъминланади, яъни жамиятда конституцияга риоя этилиши кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси конституцияси конституциянинг устунлигини амалга оширишда бевосита ривожланган демократик хорижий мамлакатлардан ижобий томонларини ўз қонунчилигида акс эттириб, уни ҳаётга тадбиқ этипти. Ўзбекистон Республикаси конституциясида конституцияни устунлигини амалга ошириш механизми ўз аксини топган бўлиб, уни Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди амалга оширади.

Бунга аввало ҳуқуқий фуқаролик давлати барпо этиш эҳтиёжлари, давлат барқарорлиги тажрибасининг тўпланиши ва таркиб топиб бораётган сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг ҳисобга олиниши сабаб бўлди.

Конституцион тузумнинг хаддан ташқари ўзгарувчанлиги туфайли кўпгина хавфли жихатларни келтириб чиқариши мумкин.

Франция, Мексика, Сурия ва Миср конституциялари конституцион тузумнинг муҳим кафолати сифатида республика Президентининг роли ва ваколатларини қайд қилади.

Ўзбекистон Республикаси давлатининг конституциясида ҳам конституциявий назорат институтини шакллантиришда хориждаги риворжланган демократик-ҳуқуқий давлатларнинг ижобий тажрибаларидан фойдаланилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

I Рахбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. "Кучли давлатдан кучли жамият сари". - Т.: Шарк;, 1998.
2. Каримов И.А.. "Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмади". - Т.:Ўзбекистон;,2005
3. Каримов И.А "Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард максадимиз". Т. 8. Т.: узбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. "Биз келажагимизни уз кулимиз билан курашимиз". Т. 7.-Т.: Узбекистон. 1999.

II Махсус адабиётлар.

1. Чудаков М.Ф. Конституционное (государственное) право зарубежных стран.- Мн.: новое знание, 2001.
2. Алебастрова И.А.Конституцинное (государственное) право зарубежных стран: учебное пособие. - М.:Юриспруденция,2000.
4. Жахон конституциялари / Тузувчилар: У.Таджихонов ва А.Саидов 1-жилд.-Т.:УЗР ИИВ Академияси, 2001.
5. Чиркин В.Е. Конституионное тттаво зарубежных стран: Учебник 2-е изд., перераб. И доп.-М.: юристь, 2000.
6. Мишин А.А. Конституционное (государственное) право зарубежных стран.- М.: Бельи А лъвь, 1996.
7. Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран: Учебник. М, 2001.
8. Парламентаризм: Хорижий мамлакатлар тажрибаси/ тузувчилар И.Комилов, Ф.Бакаев, А.Абдуллаев. Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегиг ва минтакалараро тадқиқртлар институти. 2002.
9. Юридик инцеклопедия / Юридик фанлар доктори, - профессор У.Таджихановнинг умумий тахрири остида.-Т.: Шарк;, 2001.
10. Хорижий мамлакатлар конституциявий (давлат) ҳукуки. / Укув кулланма

Муаллифлар жамоаси. Т : ТДЮИ. 2006

11. Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран: Учебник для вузов. М., 2000.

III Қўшимча адабиётлар.

1. Государственное право.-М.: ИГПРАН, 1994

2. Тихомиров Ю.А. Развитие теории конституционного право//Государство и право. - М.:Бек,1998,№1.